

2020

ASPECTS AND POSSIBILITIES OF USING THE CLUSTER APPROACH IN DEVELOPING THE EFFECTIVENESS OF ZIYARAH TOURISM

Anvar Xudoyarov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBKISTAN, a.xudoyarov@iiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Islamic Studies Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Xudoyarov, Anvar (2020) "ASPECTS AND POSSIBILITIES OF USING THE CLUSTER APPROACH IN DEVELOPING THE EFFECTIVENESS OF ZIYARAH TOURISM," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Anvar XUDOYAROV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY
OF UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, docent
of department of islamic economy and finance, pilgrimage
tourism. a.xudoyarov@iiau.uz,
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

**ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДА ЗИЁРАТ
ТУРИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА КЛАСТЕРЛИ
ЁНДАШУВДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
КЛАСТЕРНОГО МЕТОДА УПРАВЛЕНИЯ В
РАЗВИТИИ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА
В ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ**

**ASPECTS AND POSSIBILITIES OF USING
THE CLUSTER APPROACH IN DEVELOPING
THE EFFECTIVENESS OF ZIYARAH
TOURISM**

Таянч сўзлар; *кластер, зиёрат туризми, диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, тажриба, ҳуқуқий асослар, хавфсизлик, ҳуқуқий-иқтисодий база.*

Ключевые слова: *кластер, паломнический туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая система.*

Keywords: *cluster, tourist, tourism, diversification, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.*

Ҳар қандай иқтисодий тизим сингари туризм индустрияси бозори ва унинг объектлари ўртасидаги узаро муносабатлар бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи механизмлари орқали мувофиқлаштириб борилади. Шундай қилиб, туризм, хусусан зиёрат туризми бозорини ривожлантириш механизми туристик маҳсулотнинг истеъмолчиси ва туристик маҳсулот сотувчиси билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни яратиш ва мувофиқлаштириш функциясини ўзаро яхлитликдаги тизимли боғлиқлиги ва алоқалари орқали амалга оширувчи иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тузилмаси ва институционал мазмуни билан белгиланадиган усуллар, ўзига хос элементлар, шакллар ва воситалар мажмуи ҳисобланади. Бироқ туризм индустрияси бозори қанчалик ривожланган ва мукамал бўлмасин, унинг тартибга солувчи иқтисодий механизми туризм индустрияси тармоқлари учун

Туризм индустриясида зиёрат туризми самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари, хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатимиз томонидан туристик соҳани, хусусан, зиёрат туризмини шакллантириш ва самарали фаолият юритиши учун барча зарурий шарт-шароитларни таъминлаши, яъни меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиши, умуман олганда, соҳанинг алоҳида турларини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши талаб этилади. Юртимизда туризм ривожланишининг асосий омилларидан бири тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг мавжудлигидадир. Мамлакатимиз азал-азалдан ўзининг ажиб ва турфа табиати, бой тарихи, меъморий обидалари, буюк алломалари билан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари аҳолисини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида дастлабки қадам ташланди. Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустрияни ташкил қилиш ва ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилган. Туризм индустриясида зиёрат туризми самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари ва хусусиятлари кўриб чиқилган.

Возможности использования кластерного метода управления в развитии паломнического туризма с точки зрения выявления тенденций и особенностей паломнического туризма и совершенствования организационно-экономического механизма его эффективного развития. В нашей стране правительство должно создать все необходимые условия для формирования и эффективного функционирования индустрии туризма, в частности туризма паломников, также создать нормативно-правовую базу и принять соответствующие меры для развития и развития определенных видов туризма. Одним из важных факторов развития туризма в нашей стране является мир, стабильность, взаимопонимание и солидарность. Наша страна давно привлекает людей из самых развитых стран мира своей красивой и разнообразной природой, богатой историей, архитектурными памятниками и великими мыслителями. Примечательно, что первый шаг в развитии паломнического туризма в стране уже сделан. По инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева первый международный туристический форум состоялся в Бухаре 21-23 февраля 2019 года. В этой статье рассматривается, как Республика Узбекистан устанавливает и развивает связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг, а также представляет туристическую индустрию. Рассмотрены организационные и экономические аспекты регулирования туризма кластерным методом управления.

In the context of global economic innovation, it is important to study the methodological and practical aspects of this problem from the point of view of identifying trends, aspects and possibilities of using the cluster approach in developing the effectiveness of ziyarah tourism. In our country, the government must create all the necessary conditions for the formation and effective functioning of the tourism industry, in particular tourism pilgrimages, also create a regulatory framework and take appropriate measures for the development and development of certain types of tourism. One of the important factors in the development of tourism in our country is peace, stability, mutual understanding and solidarity. Our country has long attracted people from the most developed countries of the world for its beautiful and diverse nature, rich history, architectural monuments and great scholars. It is noteworthy that the first step in the development of pilgrimage tourism to the country has been taken. With the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, the first international tourism forum was held in Bukhara on February 21-23, 2019. In this article gives information about that the Republic of Uzbekistan establishes and develops relations with international organizations and foreign countries in the field of tourism, increases the flow of tourists to our country, creates all conditions for tourists, improves the quality and culture of services, and also provides the tourism industry. The organizational and economic aspects of tourism regulation are examined, as well as the training and education of specialists in this field.

малакали етук кадрларни тайёрлаш, тарихий-маданий меросни сақлаш ва ҳимоя қилиш, транспорт логистик тизимини модернизация қилиш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, атроф мухитни муҳофаза қилиш каби самарали ривожлантириш механизмларини тўлақонли қамраб олиш қийин.

Туризм индустрияси иқтисодиёти давлатнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар субъекти, балки ушбу муносабатларни тартибга солув-

чи орган сифатидаги ўрнини алоҳида белгилаб, хусусиятларини очиб бермоқда. Мамлакатимизда туризм индустрияси бозорини, хусусан зиёрат туризми бозорини ривожлантириш механизми ўзига хос мураккаб ташкилий-институционал, ижтимоий-иқтисодий алоқалар мажмуини ўз ичига қамраб олади. Биламизки, XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ватанимизда чуқур сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди, яъни: иқти-

содиётни либераллаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларни хусусийлаштириш жараёни, халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги туб ислохотлар, нархларнинг эркинлашуви, глобаллашув жараёни. Бундай иқтисодий, ташкилий ўзгаришларнинг барчаси туризм индустриясида ҳам ўз аксини топди, хусусан, юртимизда ўзига хос тарзда туризм индустрияси бозори шаклланди ва тизимли ривожланиб бормоқда.

Зиёрат туризми бозорини такомиллаштириш механизми тизимнинг турли бўғинлари: турагентлар ва туристик маҳсулот истеъмолчилари, туроператорлар ва уларнинг контрагентлари, туроператорлар ва турагентлар, туризм бозори субъектлари ва давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш шакллари, усуллари ва воситаларида ўз ифодасини акс этади. Мазкур механизм сайёҳлик бозорининг ривожланишини таъминловчи иқтисодий бозор муҳитни яратиш орқали талаб ва таклиф ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳисобланади. Шу билан бир қаторда маъмурий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-иқтисодий, механизмлар йиғиндисидан иборат бўлади. Мазкур масала юзасидан бизнинг фикримизча, туризм индустриясида зиёрат туризми бозорини самарали ривожлантириш механизми таркибий элементлари, усуллари ва воситаларини ривожлантириш орқалигина бугунги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида кутилган натижа ва самарага эришиш мумкин бўлади. Натижада зиёрат туризми бозорини ривожлантириш механизми ана шундай инновацион ёндашувлар негизида таркиб топган тузилма асосида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Жаҳон иқтисодиётининг глобал ўзгаришлари ва рақобат муҳитининг кескинлашувида миллий иқтисодиётимиз таркиби бўлган зиёрат туризми бозорини самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини қуйидаги элементлар ва методлар орқали такомиллаштиришни таклиф этамиз;

– туризм индустриясида зарурий қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш ва ташкилий-институционал дастаклар ёрдамида мос ижтимоий-иқтисодий шароитларни барпо этиш билан соҳа самарали ривожланади. Бундай муҳим стратегик вазифаларни амалга оширишда тегишли даражадаги давлат бошқарув органлари иштирок этиб, туризм индустриясининг тармоқлараро комплексини бошқаришда турли хил ташкилий метод ва методологиялардан фойдаланишни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, бундай метод ва методологиялар негизида Республикамиз ҳудудларида сайёҳлик кластерларни шаклланти-

ришнинг зарурий норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар маршрутини ишлаб чиқиш туризм бозори ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади. Мазкур тадбирлар туризм индустриясида зиёрат туризми бозорини ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш орқали зиёрат туризмни тизимли ривожлантириш концепцияси негизида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Жаҳон бозорларида зиёрат туризми фаолият юритишнинг мос ташкилий-иқтисодий муҳитини вужудга келтириш самарали ривожланишнинг асосий катализатори бўлиб хизмат кўрсатади.

– Туризм индустриясида зиёрат туризм бозорининг ривожланишини таъминлашда, бозор механизмлари мажмуидан самарадорли фойдаланишнинг оптимал йўллари ишга солиш билан эришиш мумкин бўлади. Мазкур масала юзасидан бизнинг фикримизча, зиёрат туризми бозорини тартибга солишнинг иқтисодий-ташкилий тузилмасига: сайёҳлик соҳасидаги бошқарувнинг барча бўғинларида (мамлакат миқёсида, ҳудуд даражасида, туристик ташкилот миқёсида) интеграциялашган маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш лозим. Туризм индустриясида зиёрат туризми бозорининг ахборот таъминоти танқислиги масаласининг ечими сифатида сайёҳлик ахборот тизимини ва унинг инновацион таркибий элементи сифатида фаол ахборотлар тизимини шакллантириш; сайёҳлик бозори ривожланишини прогнозлаштириш имкониятини берувчи сайёҳлик маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш; сайёҳлик маҳсулотларнинг замонавий турларини ва уларни реализация қилишнинг инновацион йўналишларини ишлаб чиқиш; зиёрат туризми бозорига ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг инновацион йўналишларини ўрганишиш; сайёҳлик индустриясида хорижий истеъмолчиларни ахборотлар билан оптимал таъминлаш методини ишлаб чиқиш ҳамда сайёҳлик амалиётига тадбиқ этиш каби механизмлар қамраб олинади.

Туризм индустриясида зиёрат туризми бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмига келтирилган услуб ва воситаларнинг киритилиши ушбу механизмнинг самарали фаолиятини таъминлаб беради. Таҳлил ва мулоҳазаларга таянган ҳолда, илмий мақоланинг гипотезаси қуйидагича акс этади: зиёрат туризми бозори ривожланишининг асосий динамик ва таркибий ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, очиб бериш билан мазкур бозорга интеграциялашган маркетинг концепциясини жорий этиш орқали марказ-

лаштирилган туристик ахборотлар тизимини шакллантириш, шунингдек, зиёрат туризми бозорида кооперацияли алоқаларнинг инновацион услуги сифатида туристик кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш орқали халқаро туризмда зиёрат туризми бозорини самарати ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштирилиши натижасида туристик оқим ҳажмининг кўпайиши, туристик ташкилотлар даромадларининг ошиши, зиёрат туристик маҳсулот рақобатбардошлигининг ўсиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминланади.

Мамлакатимизда туризм индустриясини, жумладан, зиёрат туризмининг ривожланиши учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда унга берилаётган эътибор ҳар жиҳатдан муҳимлигини амалий натижалар кўрсамоқда. Жаҳон иқтисодиётида туризм индустриясининг ривожланиши, унинг иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва улушини янада ошириш мақсадида туризм бозорини самарали ривожлантиришга асос яратадиган замонавий илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуктаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида туризм – юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган муҳим соҳаларидан бирига айланиб улгурди¹. Юртимизда туризм ривожланишининг асосий омилларидан бири тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг мавжудлигидадир. Ўзбек халқида бундай туйғулар устивор бўлгани учун ҳам Ўзбекистонда туризм ривожланмоқда ва туристлар сони кундан кун ортиб бормоқда. Республикаимизда соҳа бўйича етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари турли тармоқлари бўйича мустаҳкамланмоқда, ривожланмоқда².

¹ Isadjanov, Abduvali (2018) «THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS.» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/20>

² Гулямова Г. П., Бабанова Ю. В. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ БИЗНЕС-СРЕДЫ // ЭКОНОМИКА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. – 2019. – С. 49-54.

Тадқиқот услублар.

Тадқиқот жараёнида таҳлилий ва синтез услубларидан фойдаланилди.

Натижа.

Глобал иқтисодий ўзгаришлар, инновацион янгиликлар даврида мамлакатимиз туристик ташкилотлари халқаро туризм бозорида юқори тажриба ва улкан салоҳиятга эга бўлган кудратли рақобатчилар билан бирга, ёнма-ён ўз туристик фаолиятларини олиб боришмоқда. Рақобат даражалари юқори бўлган жаҳон бозорларида зиёрат туризми тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегия, авваламбор, мамлакатда туристик, жумладан зиёрат туризми соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон иқтисодиётида туризм индустриясининг ривожланишида мамлакатимиздаги мавжуд бой тарихий ва маданий мерослар, ўзига хос нодир табиий ресурслар юртимизда туризм соҳаси ривожланишини таъминловчи ягона ва етарли асос бўла олмайди. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида зиёрат туризми соҳасининг ривожланиши нафақат тарихий-маданий ва табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки зарурий инфратузилма, малакали кадрлар, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари, янги замонавий инновацион технологиялардан унумли фойдаланишга асосланган рақобатбардош туристик институтларнинг етарли даражада ривожланганлигига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон халқаро туризм индустриясида зиёрат туризмнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган замонавий назарий-амалий ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж дунё тажрибасини ўрганиб чиқишни тақозо этмоқда. Соҳа бўйича тўпланган назарий ва амалий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак, туризм бозорларида инновацион ёндашувларга асосланган кластерларли ёндашув зиёрат туризмнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали шакллари билан бири ҳисобланади. «Кластер» термини инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “попук”, “бир бўлак”, “тўплам» каби маъноларини келтириб чиқаради. “Кластер” терминини биринчи бўлиб фанга Гарвард бизнес мактаби профессори М. Портер киритган. М. Портер эътироф этишича, кластер – бу бир-бири билан рақобатлашувчи, лекин шу билан бирга бутун кластернинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи, географик жиҳатдан концентрацияланган ташкилотларнинг ўзаро боғланган гуруҳдари, улар фаолиятига ихтисослашган хизмат кўрсатиш

ташкilotлари, жихозлар етказиб берувчи ташкilotлар, уларга ҳамроҳ тармоқ ташкilotлари, шунингдек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли соҳа ташкilotлари, илмий-тадқиқот институллари, олий ўқув юртлари, стандартлаштириш бўйича агентликлар, савдо уюшмалари ва бошқа бир қатор ташкilotлар гуруҳидир. М.Портер ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра, халқаро даражада битта тармоқ доирасидаги ўзаро рақобатбардош корхоналарнинг географик жойлашуви жихатидан тизимсиз ҳолда турли давлатларда сочилиб кетмасдан, балки муайян доирада концентрациялашув хусусиятига эга эканлигини аниқлаганлиги маълум.

Халқаро туризм индустриясида бундай ҳолатнинг юзага келиши тасодифий эмас. Халқаро туристик бозорда бир неча гуруҳ ташкilotлар рақобатбардошликни қўлга киритгач, ҳудуд доирасида ўзларига географик жихатдан яқин жойлашган турмахсулот ва хом-ашё етказиб берувчи корхоналар, рақобатчи ташкilotлар ва бошқа ҳамкор ташкilotларнинг иқтисодий-ташкилий фаолияти ва ҳолатига таъсир қила бошлайдилар. Шу билан бир қаторда, иқтисодий қонуниятлар асосида уларнинг ютуқлари бошқа ташкilotлар рақобатбардошлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада “кластер”, яъни бир-бири билан боғланган, ҳамда рақобатбардошлигини ўсишига ўзаро кўмаклашувчи корхоналар бирлашмаси вужудга келади.

Бу ўз навбатида зарурий ахборотнинг ўзаро алмашинуви, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ёки экспортга қаратилган ҳаракатлар рақобатни чекламайди, аксинча ташкilotлар рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади. Горизонтал ва вертикал алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган ташкilotларнинг талаб ва истакларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда ахборотлар ҳаракатини таъминловчи шароитлар кластерни самарали фаолият кўрсатишининг асосий механизмлари бўлиб хизмат қилади. Туризм индустриясида кластерларга хос бўлган хусусиятларни қуйидача белгилаймиз:

– Соҳа бўйича кластердаги корхоналар маълум географик ҳудудда бир-бирига нисбатан яқин жойлашганлиги;

– соҳа бўйича самарали ахборот тизимининг яхши шакллантирилганлиги сабабли кластер элементлари ўртасида самарали ахборот алмасув тезлигининг юқорилиги;

– туризм бозорида бизнесда шериклар ўртасида ўзаро ишончнинг мавжудлиги;

– туризм индустриясида корхоналар ўртасида бир вақтнинг ўзида ҳамкорлик мухитининг ва

рақобатнинг мавжудлиги ҳамда мазкур муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги;

– туризм индустриясида кластерни ривожлантиришга қаратилган инвестицияларнинг бир вақтнинг ўзида кластерда қатнашувчи ташкilotларга самара келтириши;

– туризм индустриясида замонавий инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш, илм-фан ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги;

– Туризм индустриясида кластерга кирган корхоналарнинг географик жихатдан бир-бирига яқин жойлашганлиги сабабли ресурслар ва хомашёлардан барабар фойдаланиши туфайли трансакцион харажатларнинг нисбатан камайиши ҳамда кластерларда синергетик самаранинг юзага келиши натижасида ҳудудлар ҳамда мамлакат иқтисодиётининг сезиларли ривожланишига туртки бўлиши.

Муҳокама.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётига этибор берадиган бўлсак, йигирма йил давомида кластерларнинг шаклланиш жараёни жадал ҳаракатга эга бўлган. Иқтисодчи мутахасис экспертларнинг фикрича, жаҳон иқтисодиётида етакчи давлатлар иқтисодиётининг 50 фоизини кластерлар эгаллаб олган. Мисол келтирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жозик бугунги кунда АҚШ иқтисодиётида фаолият юритаётган корхоналарнинг эллик фоиздан ортиғи кластерлар томонидан эгалланган бўлиб, мамлакат ЯИМининг деярли 60 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи давлатларида эса 2000га яқин кластерлар мавжуд бўлиб, уларда дунё миқёсида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 38 фоизи фаолият юритмоқда³. Масалан, Финляндияда енгил саноат, ахборот технологиялари, ўрмон хўжалигини қамраб олган 9та кластер, Германияда формацевтика, косметика, автомобилсозлик, биотехнологиялар, электроника соҳаларини қамраб олган 32та кластер. Буюк Британияда биотехнологиялар, биоресурслар ва бошқа бир қатор соҳаларни қамраб олган 168та кластер, Данияда тиббиёт, формацевтика соҳаларини қамраб олган 34та, Италияда агросаноат, озик-овқат саноатини қамраб олган 206 кластерлар, Францияда 96та, Голландияда 20та кластерлар мамлакат иқтисодиётида фаолият юритмоқда⁴. Жаҳон иқтисодиётига, дунё ҳамжамиятига тобора кучлироқ интеграциялашаётган мамлакатимизда ҳам кластерларни ташкиллаштириш долзарблашиб муҳум иқтисодий аҳамият касб

³ Ленчук Е.Б., Власкин Г.А. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. Журнал. Проблем прогнозирования № 5 2010г. С. 38-51

⁴ Ўша манба

этнода. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида туристик бозор, хусусан зиёрат туризми бозорида кластерли ёндашув унинг маъмурий тузилмалари ва таълим ташкилотлари, хусусий сектори, йирик ташкилотлари, ўртасида узвий боғлиқлик ва муносабатларни таъминловчи асосий ташкилий-иқтисодий механизм бўлиб хизмат кўрсатиши мумкин. Бунда ҳукуматнинг асосий вазифаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини инобатга олган ҳолда, керакли кластерларни белгилаш, уларни шакллантириш ва ривожлантириш хусусида стратегик режани яратиш, кластерли ёндашув асосида ривожланишнинг институционал асосларини шакллантиришдан иборат.

Туризм индустриясида туристик фаолият самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида бир қатор хорижий олимлар, жумладан, С.Нордин, М.Новелли, Б.Шмитс, Т.Спенсер, М.Монфорт Л.Канина, К.Энц ва Дж.Харрисон, Дж.Джексон ва П.Мерфи, А.Макиавелли, ўзининг илмий тадқиқот ишларида таъкидлаб ўтишган. Таъкидлаш жоизки бу борада БТТ ҳам туризмда кластерли ёндашувга бағшланган, йўналтирилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борган.

Дунё олимлари томонидан туристик кластерларга берилган таърифларга асосланиб, уларнинг шаклланиши ва амал қилишининг қуйидаги хусусиятларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

- туризм индустриясида кооперация ва рақобатнинг уйғунлиги;
- туризм индустриясида инновацион жараёнларнинг хослиги;
- туризм индустриясида давлат ва хусусий бизнеснинг ҳамкорлиги.
- туризм индустриясида хўжалик юритиш бирликларининг концентрацияси;

Ўз навбатида Давлат туристик кластерни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида асосий муҳим аҳамиятга эга бўлган мослаштирувчи, тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи функцияларни амалга оширади. Такидлаш жоизки туристик кластер шаклланишининг илк босқичларида унинг ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, туризм бозорларида давлат ўзига ажратилган вазифани хусусий сектор билан ҳамкорликда самарали амалга оширади.

Таҳлил.

Таҳлилий натижалар асосида, бизнинг фикримизча, туристик кластер — бу ҳудуднинг рекреацион салоҳиятидан унумли фойдаланиш асосида зиёрат туризм тизимининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида сайёхлик маҳсулотни яратиш

ва реализация қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита қатнашувчилар ва тегишли давлат бошқарув органлари, илмий тадқиқот институтлари, таълим муассасалари билан ўзаро узвий алоқада бўлган, географик жиҳатдан яқин жойлашган ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари йиғиндисидан иборат очик ташкилий-иқтисодий тизимдир.

Туризм бозорларида туристик кластерни шакллантириш асосида кластер маконидаги турли соҳа корхоналари ўртасида туристик маҳсулотни шакллантириш ва реализация қилишнинг барча босқичларида ахборотлар эркин ҳаракатининг таъминланганлиги аҳамиятлидир. Туристик бозорларда ўзаро рақобат курашида рақобатбардошликка эришиш мақсадида, ушбу корхоналарнинг мавжуд ахборотлардан ўз мақсадларини кўзлаган ҳолда яқка тартибда фойдаланиш истаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборотларнинг эркин ҳаракатига таъсир ўтказиши мумкин. Аmmo туризм бозорларида бу корхоналарнинг ўзаро ахборот алмашинуви орқали, халқаро бозордаги ташқи рақобатчиларга нисбатан устунликка эришиш имкониятини яратувчи шароитларнинг вужудга келтирилиши, уларнинг ички бозордаги рақобатбатга дош бермаслик каби хавотирларидан устун турувчи манфаатдорликни юзага келтиради. Таҳлилий натижаларга кўра бизнинг фикримизча, туристик кластер маконида унинг барча қатнашчилари фаолияти ҳақида, мавжуд сайёхлик объектлари тўғрисидаги ахборотлар йиғиндисини қамраб олган маълумотлар базасининг вужудга келиши ҳамда уларни ҳаракатга келтириш механизмнинг ишлаб чиқилиши туристик кластер таркибидаги турли корхоналар ўртасида алоқаларни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Зиёрат туризми Ватанимизнинг диний обидаларга бойлиги, тарихан ислом дини ривожланган минтақалардан бири бўлганлиги туризмнинг ушбу шаклини муваффақият билан ривожлантириш имкониятини яратади. Бугунги кунда Малайзия, Индонезия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Марказий Осиё давлатлари каби мусулмон мамлакатларидан ташриф буюраётган кўплаб туристларнинг асл мақсади Республика-мизда мавжуд диний обидаларни зиёрат қилишдан, танишишдан, ўрганишдан иборат бўлади⁵;

Хулоса.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқаро муносабатларда очик ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб

⁵ Худаяров А. А., Пирматов Х. Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии // Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.

борилаётгани туфайли халқаро миқёсда мамлакатимизнинг тарихи билан танишиш бетакрор урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш меъморий ёдгорликлар мисолида асрий тамаддун ютуқларидан бахраманд бўлиш истагида бўлган сайёҳлар сони йилдан йилга ортиб бораётгани кузатилмоқда⁶.

Натижада туризм соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузин, обрўси тобора ортириб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида туризм индустриясининг концепциясига “талаб” нуқтаи назаридан ёндашув туризмнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини мукамал қамраб олмаган нисбатан тор ихтисослашган тавсифини юзага келтирса, “таклиф” нуқтаи назаридан ёндашув эса “туризм” тушунчасининг мувоzanатли мазмун ва моҳиятига олиб келади. Айнан мазкур хусусиятлари сабабли “туризм” тушунчасини талаб ва таклифнинг уйғунлиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳамда уни тармоқлараро мажмуа сифатидаги кўрилаётган талқинини инкор этиб, аксинча, унинг очик мураккаб тизим сифатидаги тавсифини намоён этади ва тўлиқ асослайди.

Жаҳон иқтисодиётида туризм бозори ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал шароитлар асосида ривожланувчи, табиий-географик, талаб ва таклифни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни ўз ичига қамраб олувчи мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Туризм индустриясида зиёрат туризми бозорнинг самарали ривожланиши соҳалараро ташкилий, ижтимоий-иқтисодий мувофиқлик, функционал мувофиқлик ва ҳамжиҳатлик иерархик мувофиқлик, туризм бозорида консортциум ҳамда кооперацияли фаолият каби тамойилларга асосланиши билан самарали ривожланишига тизимли ёндашувни талаб этади. Жаҳон иқтисодиётида тизимлар назарияси ва тизимли ёндашув бўйича тажрибалар шуни кўрсатадики, мавжуд назарий қарашларнинг илмий таҳлили туризм бозорининг таркибида ўзаро мувофиқликда ҳаракатланувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими, хўжалик юретишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, туристик бозорларнинг фаолият юретиш ва тартибга солиш механизми, туристик бозор субъектларини рағбатлантириш ва мотивлаштириш тизими, туризм бозори инфратузилмаси каби тизимли характерга эга механизмларни кўрсатади, шунингдек, мазкур бозорнинг ривожланиши унинг фаолият юретиш ва тартибга солиш механизми орқали амалга оширилишини белгилаб берди. Мазкур механизм иқтисо-

дий, ижтимоий, ташкилий тавсифга эга бўлиб, уни замонавий инновацион услуб ва воситалар орқали такомиллаштириш туризм бозорининг, хусусан зиёрат туризми бозорининг самарали ривожланишини таъминлайди.

Туризм индустриясининг, хусусан зиёрат туризми бозори ривожланишининг асосий динамик ва таркибий ривожланиш борасида тенденцияларини аниқлаш асосида ички ва халқаро бозорларга интеграциялашган маркетинг концепциясини жорий этишда инновацион йўналиш сифатида марказлаштирилган тизимли туристик ахборотлар тизимини йўлга қўйиш ҳамда туризм бозорида кооперацияли алоқаларнинг инновацион услуби сифатида туристик кластерларни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан туризм бозорининг ташкилий-иқтисодий механизмнинг такомиллаштирилиши туризм соҳасини, хусусан зиёрат туризми йўналишини ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти ва ҳиссасининг ошишига туртки бўлади. Туризм индустриясида, хусусан зиёрат туризмида туристик кластерларнинг шаклланиши ва амал қилиши соҳа бўйича турли хўжалик юритувчи субъектларнинг концентрацияси асосида кластер аъзоларининг инновацион жараёнларга мослашганлиги, технологик консортциум, кооперация ва рақобатнинг уйғунлиги, давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги каби тамойилларга асосланиши белгиланди ҳамда кластернинг назарий хусусиятлари илмий таҳлили асосида унинг ихтисослик бўғин, молиявий-ҳуқуқий бўғин, ҳамроҳлик бўғини, илм-фан ва таълим бўғини, маъмурий бўғин, истеъмолчилар бўғини каби тизимли таркибий унсурлари тавсифи ҳамда зиёрат туризмининг ривожлантиришда туристик кластерни шакллантириш босқичлари тавсия этилди.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining “Turizm to'g'risida”gi qonuni // Xalq so'zi, 1999yil 20 avgust.
2. “2017—2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to'g'risida”gi Farmoni;
3. O'zbekiston respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 16-avgustdagi qarori bilan 2018–2019 yillarda Turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar dasturi.
4. Mirziyoyev Sh.M. “Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz” – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 592 b.

⁶ Abazova M. V., Bechelov Z. S., Isadjanov A. A. Economic essence and objective necessity of state regulation of agro-industrial complex //Modern Economy Success. – 2017. – №. 2. – С. 19.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning ”2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasining rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishidagi” harakatlar strategiyasi.
6. Tania Kapiki, Nikoletta Tatari. Quality Management in Tourism Accommodations: The European Flower. Technological Educational Institution of Thessaloniki School of Administration and Economics Department of Tourism Management. 2006. 112 p. Ammosov Yu.
7. PERSPEKTIVY RAZVITIYA. – 2019. – S. 49-54.
8. Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., Ibodullayev N.E, Amriddinova R.S. Turizm asoslari: O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamISI, 2010.
9. Xoliqulov A.N. “Mehmonxonalarda servis sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatlari (Samarqand mehmonxonalari misolida)” mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand, SamISI, 2011. – 10 b.
10. Mirzayev Q.J., Musayev B.Sh. Mehmonxona xo‘jaligi menejmenti. – Samarqand, 2010.
11. Uoker D. (perevod V.N. Yegorova). Vvedeniye v gostepriimstvo. M.: Yuniti, 2012. – 735 c.
12. Fillipovskiy Ye.Ye., Shmarova L.V. Ekonomika i organizatsiya gostinichnogo xozyaystva. - M.: 2005. – 127 s.
13. Yankevich V.S., Bezrukova N.L. Marketing v gostinichnoy industrii i turizme. - M.: Akademiya, 2005. – 197 s.
14. D.M.Umarova. M.A.Boronov. Logistika. O‘quv qo‘llanma T. 2016
15. Y.K.Korieva. Logistika. O‘quv qo‘llanma T 2012.
16. Amriddinova R. Mehmonxonalarda servis xizmati. – Samarqand, 2011.
17. Uzoqov A., Nosirov E., Saidov R., Sultanov M. «Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish va ularning monitoringi» O‘quv qo‘llanma, - T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006y., 377 b.
18. Pardayev M.Q. va boshqalar. Mehmonxona xo‘jaliklarida samaradorlikni oshirish muammolari. Monografiya. –T.: Iqtisodiyot, 2013.
19. Isadjanov, Abduvali (2018) “THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/20>
20. Xudayarov A. A., Pirmatov X. R. Vozdeystviye turizma na natsionalnuyu ekonomiku Indonezii //Sborniki konferensiy NIS Sotsiosfera. – Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – S. 262-265.
21. Sadikova R. A. FORMIROVANIYE STRUKTUR Y INNOVATIONNOGO POTENSIALA //NAUCHNYY ELEKTRONNYY JURNAL «MATRITSA NAUCHNOGO POZNANIYA». – S. 171.
22. Gulyamova G. P., Babanova Yu. V. SOVERSHENSTVOVANIYE MEXANIZMA REGULIROVANIYA PROTSESSOV FORMIROVANIYA KONKURENTNOY BIZNES-SREDY //EKONOMIKA I PREDPRINIMATELSTVO: AKTUALNYYE VOPROSY, TENDENSII I PERSPEKTIVY RAZVITIYA. – 2019. – S. 49-54.
23. Abazova M. V., Bechelov Z. S., Isadjanov A. A. Economic essence and objective necessity of state regulation of agro-industrial complex //Modern Economy Success. – 2017. – №. 2. – C. 19.
24. Xoliqulov A.N. “Mehmonxonalarda servis sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatlari (Samarqand mehmonxonalari misolida)” mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand, SamISI, 2011. – 10 b.
25. O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi URL/<http://www.EVU.UZ> 2017
26. Klaus Schwab World Economic Forum The Global Competitiveness Report 2017-2018
27. “Compendium of tourism statistics» 21 st Edition published by the WTO, printed by Spain - 2016
28. [http://www.techart.ru/-Marketingovyy konsalting i autsorsing](http://www.techart.ru/-Marketingovyy_konsalting_i_autsorsing)
29. <http://www.stat.uz-> Davlat statistika Qo‘mitasi
30. URL: <http://www.press-service.uz> – O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmati rasmiy sayti
31. O‘zbekiston Milliy axborot agentligi malumotlari. <http://www.uza.uz>.

